



ЎЗБЕКИСТОНДА РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА МАСАЛАЛАРИ

Жумаев Шўхрат

Тошкент давлат иқтисодий университетини мустақил тадқиқотчиси (PhD)

email: shuh2004@umail.uz

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a21	Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиши ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, ушбу таҳлилар асосида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, солиқ идоралари томонидан солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.
KEYWORDS	Солиқ, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, хориж тажрибаси, солиқ салоҳияти, солиқ юки.

Кириш (Introduction/Введение)

Республикамызда амалга оширилаётган туб ислохотлар солиқ сиёсатининг ҳам янгича стратегияга эга бўлишларини таъминлашга эътибор қаратилган. Солиқ сиёсатининг энг муҳим йўналишлари сифатида солиқ тизими солиқ тўловчиларнинг ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатида фаолиятни ташкил этиш, назорат органидан хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантирилиб, “Солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” тамойилининг жорий қилиниши жуда катта аҳамиятга эгадир.

Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай ишбилармонлик муҳити шакллантириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (анализ использованной литературы. Literature review).

Солиқ маъмурчилиги тизими, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича такомиллаштириш юзасидан бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланиб, дунё ва ўзбекистонлик олимлар томонидан долзарб тадқиқот йўналиши сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Жумладан, Жусванто ва Симснинг [1] фикрича “Солиқ маъмурияти ва солиқ процедураларини рақамлаштириш солиқ тизимини янада ислох қилиш учун замин яратиши керак. Солиқ сиёсати ислохоти рақамли бизнесга иқтисодий ўсишга мослашган ҳолда адолатли ва барқарор солиққа тортилишини таъминлаши керак”.

Рус олимларидан томонидан солиқ маъмурчилигини амалга оширишда олиб борилган тадқиқотларда солиқ маъмурчилигига қуйидаги ёндашувлар юзга келган. И.А. Перонко ва В.А.Красникий [2] фикрича солиқ маъмуриятчилиги солиқ муносабатларини давлат томонидан бошқариш тизимидир. Улар томонидан солиқ муносабатлари солиқ маъмуриятчилигининг предмети ҳисобланиши кўрсатилган. М.С. Мишенина ва Л.В. Максимовалар [3] фикрича солиқ маъмуриятчилиги деганда солиққа тортишда давлат бошқарувидаги жараёнлар тўплами деб

тушунилади. Солиқ маъмурчилиги мақсадли йўналишда солиқ қонунчилигини бажаришни таъминлайди.

Э.Г.Шурдумова ва Д.М.Канкуловлар [4] фикрига кўра солиқ маъмурчилиги давлатнинг солиқ сиёсатини юритиш бўйича ташкилий тизим ҳисобланади.

С.Худойқулловнинг [5] илмий тадқиқот ишларида солиқ маъмуриятлари юклатилган солиқ тўловчилар сони, солиқ тўловчиларга берилган жами солиқ имтиёзлари, жами солиқ қарздорлиги, ўртача солиқ ставкаси каби муҳим омилларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган ҳолда эконометрик усуллар орқали давлат бюджетини жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Мақолада мантикий усул, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).

Солиқ тўловчиларга солиқ идоралари томонидан юқори сифатли хизмат кўрсатиш, шу билан солиқ тизимининг сервисга йўналтирилганлик даражасини янада ошириш ва солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий, содда ва қулай тарзда бажаришини таъминлашга эришиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида бир қанча муаммоли ҳолатлар ҳам мавжуд. Солиқ органларини хизмат кўрсатувчи органга трансформация қилиш жараёнини янада жадаллаштириш тақозо этмоқда.

Бугунги кунда солиқ идоралари томонидан солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг ягона тартиби ва стандартлари тасдиқланмаган.

Шунингдек, солиқ тўловчилар фақатгина ўз яшаш ёки рўйхатдан ўтган ҳудуддаги солиқ органларига мурожаат қилган ҳолда хизматлардан фойдаланиши мумкин. Уларнинг исталган ҳудуддаги солиқ органларига мурожаат қилиши орқали маълумот олиш ёки хизматдан фойдаланиш имкони мавжуд эмас.

Республикамызда солиқ тўловчи жисмоний шахсларга айрим хизматларни кўрсатиш фақат рўйхатга олинган ҳудуддаги давлат

солиқ органлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. (Ижара шартномасини рўйхатга қўйиш, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш, декларацияларни қабул қилиш ва бошқа хизматлар)

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида уйи мавжуд фуқаро вақтинча ёки доимий Тошкент шаҳрида истикомат қилиб келмоқда. Ушбу фуқаро Самарқанд шаҳридаги уйига ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини билиши ёки тўлаши учун факатгина Самарқанд шаҳар ДСИга ташиф буюриши лозим бўлади.

Давлат солиқ органлари ходимларига факат ўз ҳудудидаги солиқ тўловчилар маълумотларидан фойдаланишга рухсат берилганлиги сабабли, бошқа ҳудуддаги солиқ тўловчилар маълумотларини кўриш имконияти чекланган.

Бу эса ўз навбатида, солиқ тўловчиларга ортқича овозгарчилик ва қийинчиликларни шунингдек, навбат кутишни келтириб чиқармоқда.

Ушб муаммо Россия Федерацияси тажрибаси асосида ўрганиб чиқилди. Россия Федерацияси Федерал солиқ хизмати томонидан солиқ тўловчиларга хизматлар экстерриториаллик тамойили асосида кўрсатилмоқда.

Жумладан, мол-мулк ва ер солиғи маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнлар мамлакатнинг исталган ҳудудий солиқ органлари орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Экстратерриториаллик - бу солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган жойи ва жойлашган жойидан катъи назар, маълумот ва хизматлардан фойдаланиш эркинлиги, бу бизнинг улкан мамлакатимиз учун айниқса муҳимдир.

Шу билан биргаликда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш белгиланган вақт 9-00 дан 18-00 га қадар амалга оширилиши ҳам солиқ тўловчиларга қийинлик туғдирмоқда

Бу борада солиқ идораларида мослашувчан иш жарёни жорий қилиш муҳим масалалардан биридир.

Хориж тажрибаси ўрганилганда мослашувчан иш вақти АҚШнинг турли ташкилотларида, шу жумладан Федерал агентликларда амалга оширилди. Умуман олганда, мослашувчан иш вақтининг доимий ишлайдиган хизмат кўрсатувчи провайдерларга таъсири турли хил омиларга боғлиқ бўлади, масалан, ишнинг табиати, ўзига хос мослашувчан иш жадвали ва самарадорликни баҳолаш учун ишлатиладиган кўрсаткичлар. Францияда мослашувчан иш соатлари учун аниқ асосни белгилаш ва уларни амалга оширишни рағбатлантиришга қаратилган "Flexi-хавфслик" лойиҳаси мавжуд. Unilever компанияси шунингдек, мослашувчан иш вақтини ўз ичига олган янги иш моделларини тақдим этди, масалан, ходимлар уч кунлик иш ва уч кунлик дам олишни алмаштирадilar.

Россия Федерал солиқ хизмати солиқ тўловчилар хизматининг ягона стандартлари тўғрисидаги ҳужжатга эга. Ҳужжатнинг асосий мақсади маҳаллий солиқ органларининг ишини яхшилашдир. Шу

билан бирга, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш учун нормал шароитларни яратиш вазифаси биринчи ўринга қўйилган. Ягона стандарт солиқ тўловчилар билан муносабатларда юзага келадиган барча тартиб-қоидалар учун аниқ муддатларни белгилайди.

Шунингдек, солиқ органларининг солиқ тўловчиларни бюджетга тўлаш ҳолати ва касса аппаратларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятларини тартибга солади. Шундай қилиб, Онлайн НКМни солиқ органида рўйхатдан ўтказиш ариза берилган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Мурожаат куни солиқ тўловчининг ҳузурида солиқ органлари кассани таъмирлаш учун далолатнома беришлари шарт. Ҳужжатнинг яна бир йўналиши солиқ тўловчи фаолиятининг барча соҳаларида ахборот хизматларини кўрсатишни тартибга солади. Ҳужжатга кўра, солиқ тўловчининг ёзма сўрови тўғрисидаги маълумотлар сўров рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Фуқаролар ва ташкилотларнинг шикоятлари ва мурожаатлари солиқ органлари томонидан бир ойдан ортқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак.

Хулоса ва таклифлар (Conclusions/Заключения).

Юқорида таҳлиллар ва хориж тажрибаси бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш зарурияти борлигини кўрсатмоқда.

Қуйидаги таклифлар асосида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш асосида уларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Мазкур тартиблар жорий этилиши ҳисобига солиқ тўловчилар учун қулайликлар яратилади. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда тизим бўйича бир хил ёндашув амалга оширилади.

- ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари ходимларига республиканинг барча ҳудудидаги солиқ тўловчилари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- солиқ органлари томонидан экстерриториаллик асосида хизмат кўрсатиш тамойилини босқичма-босқич жорий этиш. Истикболда нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришни солиқ тўловчига қулай бўлган солиқ органларидан амалга оширишни йўлга қўйиш бўйича бизнес процессларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;
- солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг ягона тартиби ва стандартларини жорий этиш.
- Бунда, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни амалга оширадиган ходимларнинг (танаффусиз) мослашувчан иш режимини жорий этиш.

References:

1. Juswanto, W., & Simms, R. (2017) Fair Taxation in the Digital Economy, ABD Institute, Poicy Brief No.
2. Перонко И.А., Красницкий В.А. Налоговое администрирование // Налоговый вестник, 2000. №10;
3. Мишенина М.С., Максимова Л.В. Налоговая безопасность и налоговое администрирование в системе мер обеспечения экономической безопасности // Академический вестник. 2012. № 2 (20). С. 239–241.
4. Шурдумова Э.Г., Канкулова Д.М. Налоговое администрирование как основа реализации налоговой политики государства // Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. 2013. № 22. С. 130–135.
5. Худойкулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.
6. Toshmatov Sh. Soliq to'lovchilar bilan ishlash: O'quv qo'llanma.-T.: Yangi asr avlodi, 2010 y.
7. Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2023
8. Жумаев Ш. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш масалалари: Монография – Тошкент, Иқтисодиёт нашриёти ДУК, 2023.-161 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.

..